



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 9 ” март

Қ-345 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “Асрор Абдурауф” боғдорчиликка
ихтисослашган фермер хўжалигига кўшимча ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Абдурахманов Асрор бошлиқ “Асрор Абдурауф” номли боғ узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига кўшимча, “Ўзбекистон” массиви “Исломобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 1248, 1276-дала контурларида жойлашган жами 8,75 гектар, шундан 8,58 гектар экин ер майдони, 0,14 гектар ариқ, 0,03 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Бундан кейин “Асрор Абдурауф” номли боғ узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг умумий ер майдони 780к, 784, 785к, 787к, 789, 1248, 1253к, 1276-дала контурларида жойлашган жами 21,35 гектар, шундан 8,58 гектар суғориладиган экин ер майдони, 7,50 гектар боғ, 1,70 гектар узумзор, 2,6 гектар яйлов ер майдони, 0,54 гектар ариқ, 0,13 гектар йўл 0,30 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони этиб белгилансин.

4. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда “Асрор Абдурауф” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги

ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудири (Ш.Чориев)га “Асрор Абдурауф боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров





Туман ҳокими
Р.Б.Гаппаровга

Тумандаги “Асрор Абдурауф”
фермер хўжалиги раҳбари
А.Абдурахмонов томонидан

А Р И З А

Аризани ёзишимдан мақсад, “Асрор Абдурауф” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига боғдорчилик йўналиши бўйича Ўзбекистон массиви худудидан хўжалик харитасида 1248, 1276-контурларда жойлашган 8,75 гектар ер майдони бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этишимга рухсат беришингизни сўрайман.

“Асрор Абдурауф” фермер
хўжалиги раҳбари:



А.Абдурахмонов

QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI	SAH TALARSON	1
	KIRISH №	286/01-20
	SANASI	01.03.21

QUMQO'RG'ON TUMANI
ER RESURSLARI VA
DAVLAT
CADASTRI BO'LIQI
KIRIMN
ANA 5.03.21

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил «03» март

Қумқўрғон тумани

№165

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг тумандаги “Асрор Абдурауф” боғдорчилик фермер хўжалигига қўшимча яйлов ер майдони ажратишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, тумандаги “Асрор Абдурауф” боғдорчилик фермер хўжалигига қўшимча ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида куйидагиларни аниқлади.

“Ўзбекистон” ҳудудидаги “Асрор Абдурауф” фермер хўжалиги ҳозирги кундаги фаолият юритиб, иш стажи, қишлоқ хўжалигида тажрибаси, ишчи кучи ва техникаси етарлигини, Кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, фермер хўжалигини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш, ҳамда Олий мажлис Сенатининг 21.12.2017 йилдаги СҚ-259-сонли, яъни “Фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ариза юзасидан ижобий хулоса бериш лозим деб топилсин.

Юқоридагилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003-йил 30 октябрдаги 476-сон, 2013 йил 31 январдаги 22-сонли “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарорларига асосан туман фермерлар Кенгаши,

Хулоса қилади

Қумқўрғон туманидаги “Асрор Абдурауф” боғдорчилик фермер хўжалигига қўшим сувли ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га кўриб чиқиш учун юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:**

№286/01-20
01.03.2021 й

А.Самадов